

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS  
TA'LIM VAZIRLIGI**

**URGANCH DAVLAT UNIVERSITETI**

## **ILM SARCHASHMALARI**

*Jurnal O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Oliy attestatsiya komisiyasining FILOLOGIYA, FALSAFA, FIZIKA-MATEMATIKA hamda PEDAGOGIKA fanlari bo'yicha doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrdir.*

**5.2020**

**научно-методический журнал  
Издаётся с 2001 года**

**Urganch – 2020**

ри аниқ образни ташкил қылмайды. Метафораларнинг күп кисми XVIII асрда тарқалган поэзиясига (яноқларда ёнаётган күз ёш, занжирларни узиш, синган юрак, оғектаримиз остидаги тинглик) тегишилдири. Барыбир ҳам, "юракнинг жимлігі" (silence of heart), "аччик зулмат" (bitterest blackness) ва уннинг эмоциялар әрүгінги билан очиб берадиган катор ва уннинг эффектли кульминацияси каби истиинолар хайрон қолдиради. Н. Я.Дьяконованинг таъкидлашича, "Түйгүлар жадаллігі, кучли индивидуалликкіннің маңысі, құзатылған ва ўзгартыладын поэманинг қарасаты, уннинг антитезали структуралары шүничалик катта бўладики, у устувор қайфият сифатида мазмунан ноклассик қайфијат чиқаради"<sup>1</sup>.

Шеърининг кўлами ҳам классик эмас – анапест – жондан севган қаҳрамон шеър ўрнида, ундан амфибрахияга кескин ўтишлар ҳам худди ёзаётган одамнинг қайфиятига ўтаётган кескин силжишларни белгиләйтгандек; катордан-каторга ўтишлар ҳам классик эмас (one sign of thy sorrow, one look of thy love//Shall turn me or fix...).

Поэманинг вазни, анапест, классик стандартлар бўйича ҳамма нарсаннинг аралашмаси, ўзидан Байроннинг класцизмдан четта чикаётгандылыгининг белгисидир. Анапест – бу ҳар бир учинчи бўғинда диакритик белгига эга бўлган ўлчовидир. Бу ўлчов тегиши равишда тез ҳаракатларни бажаришга йўл қўяди ва мусикий аккомпанементга жуда тўғри келади.

Шоир, шунингдек, биринчи пастки катордаги ургусиз бўғинни туширишга йўл қўйиб, бу ҳолатда ямбларни анапестга алмаштиришга олиб келадиган инглиз просодиясининг қондаларини ҳам ишлатади.

Баъзизда битта ўлчовдан бошқасига ўтиш жуда ҳам кескин бўлиб, табии туйгулари ва уларнинг динамикаларни келишмовчилкларини бевосита усул билан очиши ҳолатига ўтишлар ифодаси ритмик усул ҳисобланади. Амфибрахий оғирроқ бўғин сифатида чикади ва аичагина охисталик билан боғланади. Демак, биринчи бандда амфибрахийнинг тўртичини катори "The deep thoughts that dwell in the silence of heart", уннинг асосий мазмунига кўра оғирроқ ҳисобланади. Иккенинчи банд биринчи ва ягона амфибрахийнинг каторида "Too brief for our passion, too long for our peace", амфибрахий уннинг бошлангич спондей билан бошқа каторларга қараганда оғир юкни ташкил килали, асосан қиска сўз brief дисгармонияси билан. Бирок туйгу учун жуда қисқа бўлган вакт тушунчалиси қиска brief билан етказиб берилган юксак тасавурлар контрастидаги жойлашган ва каторнинг иккенинчи ярми "too long for our peace" уннинг симметрик жойлашган спондей билан туради. Кўпроқ ҳаёлчан қайфиятни белгилайдиган учинчи ва бешинчи бандларда амфибрахий каторларни ёйилган ва ўша вактининг ўзида тўртичини бандда тўсатдан бир вактдан бошқасига кутилмаган кўчиши билан анапестта ўтиши темпиини туйгунинг янги босқичи очиқдан-очиқ тезлашишини англатади.

Иккни доимий пластилар бандларининг бутун тарқиби, тўрт каторнинг ҳар бири бутинлар сонига қаттиқ амал киласди. Шундай бўлса ҳам, ўлчовни бўлнишишлар мавқуд бўлиб, классик шеърнинг қаттиқлигига тўғри келмайди.

Лекин, айникеа, класцизмда очиқча шахсий, ихтиёрсиз тон, кўплаб логик ва психологик каршиликларга грамматик номуносибликларга қарама-карши бўлади. Байроннинг индивиди грамматик номуносибликлиги бутуилай янги романтик поэзияга тегишилдири.

Логиканинг хатолари, бемулоҳаза эҳтирос, зиддиятлар жинниликлари, очиқча индивидуалистик шахсий масисий тон – булар ҳаммаси класцизм анъаналари тўхтаб қолишини кўрсатяпти ва Байроннинг романтик хусусиятларини етказяпти. Лирик индивидуализм уннинг поэмаларини ранглайди ва ўзининг сиқуви билан кўплаб ўкувчиларни ўзига тортган энергия билан постревюцион авлодларининг фокиали тажрибасини кўрсатади.

Сафарова Зилола Толибовна (БухДУ Инглиз адабиети кафедраси ўқитувчиси,

[safarovazilola8@gmail.com](mailto:safarovazilola8@gmail.com))

### ХУДОЙБЕРДИ ТЎҲТАБОЕВ ИЖОДИДА ЕТИМ БОЛА ОБРАЗИ ИЧКИ КЕЧИНМАЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ

**Аннотация.** Ушбу мақолада Худойберди Тўҳтабоев асарларидағи етим бола образининг психологик ҳолатлари ҳамда етимлик мотивининг бадиий тасвирида адаб услубининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида фикр юритилган.

<sup>1</sup>Дьяконова Н. Я. Аналитическое чтение (поэзия XVIII – XX веков). Л., "Просвещение", 1967, с. 126.

**Аннотация.** В данной статье рассматриваются психологическое состояние образа сироты в произведениях Худойберды Тухтабаева, а также особенности стиля автора в художественном изображении мотива сиротства.

**Annotation.** The article touches upon the issue of the psychological state of the image of an orphan in the works of Khudoiberd Tukhtabaev, as well as the features of the author's style in the artistic depiction of the motive of orphanhood.

**Калит сўзлар:** болалар адабиёти, етимлик, мотив, руҳият, талқин.

**Ключевые слова:** детская литература, сиротство, мотив, психология, интерпретация.

**Key words:** children's literature, orphanhood, motive, psychology, interpretation.

**Кириш.** Болалар адабиёти бадиий адабиётининг муҳим ва ажралмас кисми бўлиб, ёш авлодни ҳар томонлама етук, кенг дунёкарашга эга комил инсон сифатида тарбиялашда унинг аҳамияти бекиёсdir. Адабиётининг ушбу йўналишидаги асарлари билан танилган Худойберди Тўхтабоев болалар адабиётга ранг-бараг образларни тақдим килган атоқли ижодкордир. Адаб томонидан моҳирлик билан яратилган қаҳрамонлар орасида етим болалар образлари реал кечинималар ва самимий туйгулар тасвирига бойлиги билан алоҳида ажralиб туради. Бу ўринда, адабининг “Жанинати одамлар” хамда “Беш болали йигитча” асарларини ёътироф этиб ўтиш жоиз. “Жанинати одамлар”да отаси кулок қилиниб, калтакланиш оқибатида вафот этган, онаси эса холасидан қолган тўрт болага гамхўрлик кислини деб ёши бир жойга бориб қолган поччасига турмушга бериб юборилган Раҳмонбердининг бобо-бувиси қарамогида кечирган хаёти тасвирангани. “Беш болали йигитча”да эса отаси урушга чакирилиб, онаси оғир меҳнатдан вафот этгач, хаёт машаккатларини жуда эрта елкасига олган, беш укаси тақдирiga ўзини жавобгар сезгати, кийинчиликларга қарамай, яшаш учун курашишга мислсиз матонатни топа олган Орифжоннинг аянчли хаёти тасвири қаламга олинган.

**Асосий қисем.** Болалар адабиётини шунчаки болаларни банд қилувчи ёки кўнглини олувчи восита эмас, балки улар қалбida мумкаммал инсонига хос характер-хусусиятларни шакллантириш сингари эзгу максадга хизмат қилувчи буюк курол деб атани мумкин. Болалар адабиёти тарихига назар ташлайдиган бўлсак, унинг илдизи қадимги ўйин кўшиклари, мақоллар, тез айтишлар, ривоятлар, эртаклар, масаллар ва достонларга бориб тақалишини кўришимиз мумкин.<sup>1</sup> Одалар фарзандларига айтган ҳар бир аллада, ҳар бир эртакда унинг руҳи сезилиб туради. Азал-азалдан ҳалқ орасида машҳур бўлган бу адабиёт намуналари ўзида ижтимоий муҳит хамда тарихий давр хусусиятларини акс эттириш баробарида, инсоният тақдирiga бевосита таъсир қилган муаммоларга ҳам ечим излаган.

Ўтмишнинг кайси саҳифасини варакламайлик, бола тарбиясига ёътибор ҳамиша энг муҳим ўринда бўлғанлигининг гувоҳи бўламиз. Давр ўзгарар, инсониятнинг қарашлари ўзгарар, аммо болаларга бўлган муносабат, уларнинг тақдирни масаласи доимо долзарблигини саклаб колади. Айниска, етим болалар, уларнинг хаёт тарзи хамда руҳияти тасвирига бир катор ёзувчилар ўз асарларида алоҳида ўрин ажратишган. Жумладан, Faфур Гуломнинг “Шум бола”, “Менинг ўтргина бољам”, Ўтқир Ҳошимовнинг “Дунёнинг ишлари”, X.Тўхтабоевнинг “Беш болали йигитча”, “Жанинати одамлар” асарларидаги Коравой, Раҳмонберди, Орифжон ва бошка образлар сиймосида етим бола дарди, ўй-хаёллари, орзу-ҳаваслари атрофлича ёритиб берилган. Ушбу қаҳрамонларнинг психологияк кечинималари, эзгулик ва ёвузлик кучлари ўртасидаги зиддиятлар, хаётда дуч келиш мумкин бўлган турли мураккаб вазиятлар, кийинчиликларни енгил ўтиш йўллари ва шунга ўхшаш бола руҳиятига оғир зарба бера оладиган ҳолатлар енгил юморга бой равнида қаламга олинадики, бундан максад ёш китобхонин зериктириб кўйимаслик, кўркитиб юбормаслик, энг асосийси, муаммолар билан тўқнаш келганда ҳаётдан кўнгли қолмай курашишга, яшашга куч топа олишига ўргатишидир.<sup>2</sup>

Мазкур маколада адабиётин гаройиб, ранг-бараг қаҳрамонлар билан бойита олган серкирра ижодкор, замонавий ўзбек болалар адабиётининг забардаст вакилларидан бири Худойберди Тўхтабоев асарларидаги ота-онасиз қолган болаларнинг ички туйгулари таҳлили асосий ўринини эгаллайди. Ёзувчи ўзининг болалар адабиётига кириб келиши хақида шундай дейди: “...300 дан ортиқ фельетон ёздим. Йўқ, барибир, улардан кўнглим тўлмади. Бостириб келаётган танкка қарши ро-

<sup>1</sup> Жумаев М. Болалар адабиёти ва фольклор. Тошкент, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2006, 6-бет.

<sup>2</sup> Шу манба. 14-бет.

гатка(чўзма)га кесак солиб отганимиз билан таъсир қилмаганидек, жамиятдаги иллатларга қаратилган фельетонлариминг ҳам ҳеч таъсири бўлмаётгандек эди. “Руҳи-дунёси пок бўлган, тарбияга қулоқ соладиган, савоб ва гуноҳни билишига интилаётган, руҳий сўзлликка талпинаётган болалар дунёсида шиласам, қалай бўларкин,” деб ўйлай бошладим ва шундай ҳарор қабул қилдим”<sup>1</sup>.

Х.Тўхтабоев ўзи таъкидлагандек, бутун ижодий салоҳиятини болалар, ўсмиirlар дунёсини шарҳ этишга, уларнинг маънавий оламини бойитишга хизмат қиладиган асарлар яратишга баҳш этди. Унинг “Мунгли кўзлар”, “Беш болали йигитча”, “Жанинати одамлар”, “Касоскорининг олтин боши”, “Ширин қувонлар мамлакати”, “Сарик девни миниб”, “Сарик девниг ўлимни” каби ўнлаб асарлари ўзига хос тақорланимас услуби, ҳалк дардини акс эттира олган мавзулари ҳамда зукко ва оқ кўнгизи қаҳрамонлари билан ажралиб туради.<sup>2</sup> Адид ташлаган ҳар бир мавзу, у яратган ҳар бир образ китобхон учун шу қадар таниш, шу қадар якинки, инсонни беихтиёр воеалар гирдобига тортиб, қаҳрамонлар билан ҳаминафас яшашга, қувонса қувониб, йигласа, йиглашга мажбур қилади.

“Беш болали йигитча” ва “Жанинати одамлар” асарларини таҳдил қиласа эканмиз, улардаги етимлиқ чизигилари, қаҳрамон психологияси тасвирлари накадар эҳтиёткорлик билан ифодаланганинг гувоҳи бўламиз. Ҳар иккала асар ҳам етим қолган содда бола тилидан хикоя килиб берилса-да, бу қаҳрамонларнинг ҳаёти бир-биридан тубдан фарқ қиласди. Раҳмонберди етимлиги аланни меҳрибон бобо-бувисига эркалик килиб енгомокчи бўлади, аммо Орифжонда бундай имконият ўйўк. Орифжонда эркаланишга бирор якин инсонни ҳам, кўнглини бўшатишга бирор дардкаши ҳам, жонига оро кирадиган сүянчиги ҳам ўйўк. Унинг бошига тушган мусибатлар юракларга кайгурулам юқини ортади. Шунига қарамай, Х.Тўхтабоев ижоди юморга бойлиги, болалар ҳаёти, уларнинг ўзига хос табиити, хусусиятлари, руҳий кечинималари ниҳоятида жонли, кизикарли ва болаларбон йўсунда маҳорат билан тасвирланиши жиҳатидан ажралиб туради.

“Жанинати одамлар” ҳакиқатан ҳам, қалби дарёларга, меҳри дунёларга тенг жанинати инсонлар тақдирни ҳакида хикоя қиласди. Асарнинг бош қаҳрамони Раҳмонберди ўта гайратли, кизикувчан, шу билан бирга, содда ва меҳрибон бола сифатида намоён бўлади. Бир карашда, у бобоси ва бувисининг ғамхўрлигидан баҳрамонанд бўлиб ўсаётган бегам болага ўхшаб кўринади. Аслида эса унинг қалби накадар кемтик эканлиги ёзувчи томонидан усталик билан ёритиб борилади. Буни китобхон биринчи бор Раҳмонберди ўзининг жажжи вужудидаги согинч туйгуларини уни кўришига келган бувиси (у ойинини буви деб атарди)га изҳор этаёттанида ҳис қиласди:

—Менам согиндим, мана шу кўзларим билан согиндим. Кечасям согинаман, ўйнаётганимда ям согинаман, ҳар куни кўрғим келади. Кейин энамга билдиримай йиглаб-йиглаб оламан. Энди кетмайсизми?<sup>3</sup>

Ўша куни кечкурун онаси билан бир кўрпа остида ётаётган Раҳмонбердидан баҳтли инсон ўйқдек эди. Она меҳридан мосуво бўлган бу маъсум боланинг қалбидан кечётган орзулар тасвирини келтириш орқали муаллиф унинг юрагини кемираётган дард накадар улкан эканлигини намоён қиласди:

—Қўрпага киришим билан бувимни маҳкам ачомлаб олдим. Оҳ, қандай яхши-я, қандай маззажа, қани энди, минг ўйл шундай қилиб ётсан, ҳеч ҳам тонг отмаса, бомдоҳ намозигаям турмасак, кейин иккенимиз қўшилиб битта бўлиб қолсак, ҳеч ким ажратмаса...<sup>4</sup> бола тилидан айтилган бу оддий сўзлар ота-онасиз ўсаётган ҳар бир норасиданинг қалб түғенидек жаранглайди. Ёзувчи етим боланинг руҳий ҳолатини аста-секинлик билан гавдалантириб боради. Ойсининг яна кетиб колишидан ҳадиксираган Раҳмонберди куни билан ойини уйга кирса, уйга кириб, эшикка чикса, эшикка чиқиб, ундан бир қадам ҳам нари кетмай юради. Бувисининг “онанг ўйига бориб Лишир бувидан қолган етимларга қараса, савобининг кўти сенга тегади, жаннати бўласан” деган гапига болаларча самимийлик билан, “мен жаннатга бормайман, ундан бувимнинг ўзи яхшийкан”,<sup>5</sup> деб жавоб беради.

Онасининг этагини маҳкам ушлаб юрган ёш қаҳрамон озгина ўйнаб, дарров қайтиб келиш иниятидаги кўчага чиқиб кетади. Кўп ўтмай кўнши боладан онасининг яна кетиб қолганини эшилттан

<sup>1</sup> <https://saviya.uz/hayot/tarjimai-hol/xudojberdi-toxtaboev-1932>, 3-бет.

<sup>2</sup> Мирвалеев С., Шокирова Р. Ўзбек адаблари. Тошкент, Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2016, 95-бет.

<sup>3</sup> Тўхтабоев Х. Жанинати одамлар. Тошкент, “Янги аср авлоди”, 2015, 83-бет.

<sup>4</sup> Шу манба: 85-бет.

<sup>5</sup> Шу манба: 97-бет.

вактидаги ҳолати ҳар бир китобхонни кўзига ёш олишга мажбур қиласди. Орқа-олдига қарамай, онасига етиб олини учун югуриб кетаётган Раҳмонбердининг додлаб айтган сўзларида унинг юрак тубидаги армонлари қалкиб чиккандек бўлади:

-Барибир, бувижонимни ўғай отамгаям, ўғай акаларимгаям бермайман энди. Керак бўлса ўзлари буви сотиб олишисин, бувижоним, менинг бувим-ку, у ўзи түкқан, бобом түкқан эмас мени. Бувижоним, асалим, кетмане, ҳечам кетмане, сочарингизни ҳидлаб ётаман, дуолар ўқиб бераман. Жон буви, бувижоним, кетсангиз яна етим бўп қоламан, етимча етти кулча деб масхара қилиша-ди.<sup>1</sup>

Асар қаҳрамонининг бегубор болалигига соя солиб, уни изтиробга кўяётган ота-она согинчи адаб томонидан аста-секинлик билан китобхон қалбига жо қилиб борилади. Бола тилидан айтилган ҳар бир сўзда унинг ички кечинмалари акс этиб тургандек гўё. Раҳмонберди хис килаётган бу дардли алам ёлгиз унинги тақдима қайгуси эмас, балки ота-она томонидан ташлаб кетилган барча болалар қалбини тирновчи етимлик азобларидир.

Х.Тўхтабоевнинг яна бир дурдона асари ўз қаҳрамонларининг аянчли қисмати билан инсоний тўйғуларни жунибушга келтиради. Асарда кўпчилликнинг баҳтига, кувончига, осуда хаётига чанг солған, оналарнинг пароканда бўлишига сабабчи бўлган, аёлларни бева, болаларни етим килган уруш лаври воеалари тасвирланади. Адабиниң бу асари отаси урушга олиб кетилгач, кунларини ўйкусиз ўтказиб эртао кеч тинни билмай ишлашга мажбур бўлган ойиси кўзи ўйкута кетиб, трактор билан арикка аганаб вафот эттач, мутлако каровсиз колган олти боланинг бошидан кечиргани машакқатлари ҳакида.

Бош қаҳрамон болаларнинг тўигичи Орифжон бўлиб, у ёш бўлишига қарамай, укалари Зулайҳо, Султон, Усмон, Омон ва Робиялар тақдирни, уларнинг қоринин тўйғазиш, тарбиялаш, ўқитиши каби масъулиятли юкни ўз бўйнинг олади. Ота-онасиз колган болаларни етимхонага топширмокчи бўлиштанди, „уқаларимни ўзим боқаман, қалхозга ишига кираман, опажоним ўйимизнинг чироги ўчмасин деган“,<sup>2</sup> дея роса каршилик кўрсатиши орқали унинг киска фурсат ичидаги ултайнинг колганилиги намоён бўлади. Орифжон иккита буюн мақсадни амалга ошириш учун жон-жади билан тиришиди: онасининг васиятини амалга ошириш, яъни оналарни тарқалиб кетинишига йўл кўймаслики ҳамда отаси орзу килгандек укаларини ўқитиш. Унинг қанчалик матонатли ва чидамили эканлиги воеалар ривожида китобхон кўз олдида намоён бўлиб боради. Ҳаёт бу болаларга жуда кўп синовларни тайёрлаб кўйган эди. Эндигини ҳаловат тондик деганида, етимхонанинг бир гурух безорилари Орифжонни ўтиргандек роса қалтаклашади. Уйдан укалари ва ўзи учун ақратилган ионнинг ярмини беришини талаб қилишади, акс ҳолда, арикка кўмиб юборамиз деб кўркитишади. Аммо орифжон сира ҳам кўркмай, укаларининг ризқини химоя қиласди. Қалтак зарбидан азойи бадани қакшаётган бу почор боланинг ўй-хаёлларини муаллиф шундай тасвирлайди:

“Эшиятпизими, мен бу бетига никоб тутиб олган тентакларга нон берармашман! Энди қорнимиз тўйиб, юзимизга қизиллик юсургандга бурнимизни қонатишармиши. Султоннинг ўзи аранг тўйялти-ю гапни қаранг-а! Йўқ ... ўлсам ўламанки, битта увогини ҳам бермайман”.<sup>3</sup>

Етимхонада яшайдиган бир юз ети болнанинг характеристи ҳар хил бўлса-да, уларни бир хил орзу, бир истак ва бир хил дард бирлаштириб туради. Бу – ота-она согинчи. „Етимларнинг тунги нолини“ орқали ёлувчи буни яккот ёрнта олган. Болалар орасида кечаси тўйнук олдига келиб, согинган кишисининг исмимини айтиб нола қилиш удуми авқ олиб кетади. Шундай қилинса, нолалари худога етиб, урушга кетган дадалари-ю, согинган якинлари кайтиб қелишига ишонишар эди. Тўйнук орқали тунда яширича нола қилишига гурухлар ўзаро навбат тузиб олишган эди. Ҳатто “ким нола қиласа бурнини кесаман” деб дагдага қилиб юрган етимхонанинг энг белори боласи Шермат ҳам ўз навбатини худди мухим воеадек тайёргардик билан кутади. Бу билан адаб, аслида, болаларнинг қалби қанчалик пок эканлиги, уларни безорилик қилишига аянчли қисматлари мажбур килганинги очиб беради. Етимхонадаги бу ҳолат шундай моҳирлик билан тасвирланганки, болаларнинг оҳу фигони ҳар қандай юракнинг туб-тубига етиб боради.

“... ётотхонамиздаги эллик уч боланинг ҳаммаси чўкка тушиб олиб, қиблага қараб қўлларини ёзганча нолиши қилияпти.... Мехрибон кишисининг бир оғиз иширин сўзи, суюб эркалатиши, бағрига

<sup>1</sup> Шу манба. 98-бет.

<sup>2</sup> Тўхтабоев Х. Беш болали йигитчча. Тошкент, “Янги аср авлоди”, 2015, 86-бет.

<sup>3</sup> Шу манба. 99-бет.

*босиши хумор қылғанды уларни. Мөхрға, мұхаббатта ташна қалблар фарёд чекарди ҳозир*<sup>1</sup>.<sup>1</sup> Болалар хаёлан отасининг тиззасида, онасининг багрида ўтиргаңдек хис килишарди ўзларини. Афусуски, бу факат хаёлда зди. Аслида, кимнидир онаси, кимнидир отаси аллақачон ўлиб кетган, энди хеч қачон кайтмайди. Буни тан олиш мургак қалблар учун жуда оғир.

Асар давомида болаларни яна-да маشاққатты күнлар карши олади. Улар паноҳ топған болалар уйи тутатилиб, болалар Тошкенттеги үетимхоналари бүйілаб тарқатып юборилади. Бир-бирига сұяниб қолған күнгли ярим болаларнинг хайрлашишлари жуда кийин кечади, уларнинг күз ёшлары юракларни зэйб юборади. Укаларидан ажралиб қолған Орифжон түшкүн ахвозда қолади, күлоги остида ота-онасининг гаплари жарапнлар зди. Нима кирил бўлса-да, оиласини йигиб, уйга қайтиш орзузи уни бир зум тарк этмайди.

Мұхтоҗлик ва ёлғизлик искәнжаси тобора домига тортаётган Орифжон, айникиса, кичик синглиси Робия касалхонага тушиб қолганида бутунлай чорасиз ахволга тушиб қолади. Құнтагида бир чақаси ҳам йўқ бўлса-да, гамхўр aka сифатида бетоб синглиснинг күнгли тусаган қовун ва узумни олиб бориш ниятида у, ҳатто ўтрилика кўл урнишга мажбур бўлади. Унинг юрагини эзётган эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги курам муаллиф томонидан шундай тасвириланади: “Нима бўлганда ҳам қовунни ёки бир-икки бош узумни олиб боришни керак, бечора сингилларим акам қачон келади деб, касалхонанинг қизил дарвозаси олдида кўзларини миттиллатиб мунгайиб ўтиришган-дир. Олиб бораман, ўлслам-ўламанки, лекин, албатта, олиб бораман... Нима битта қовун ўтиргани билан одам ўери бўлиб қолармиди. Ўзимга бўлса-ку ҳечам қўлмасдим-а, лекин касал синглимга жуда ачиниб кетяпман”.<sup>2</sup> Афусуски, аччиқ қисмети уни камоқхона томон етаклайди.

Орифжон катта кийинчилклар билан бўлса-да, укаларини топиб уйларига sog-саломат олиб келишга мұваффақ бўлади. Аммо Тошкентдан Кўконга яёв этиб бора оламиз деб йўлга чиккан олти соддадил боланинг бошидан жуда оғир синовлар кечади. Ёзувни етим болаларнинг ички кечинмаларини ёртишида арзимасдек туюладиган кичик-кичиге деталлардан жуда ўринли фойдалангани, китобхон мургак қаҳрамонларнинг азоб-укубатларини ўз кўзи билан кўргандек хис килади ўзини. Ёшгина Омонжоннинг ҳар сафар бирор овқатнинг иомини айтиб уйғониши, “тирик эканмиз, сизларни етимхонага топишримаймиз” деб вайда берган бобоси ва холасининг “нега қайтиб келдингизлар” деб қовогини солиши, “сиз билан уйга қайтамиз” деб ўз ихтиёри билан унга эргашган укалари очлик азобига чидаи олмай, “бизни нега қайтариб олиб келдинг” деб акаларини калтаклашгани ва шунга ўхшаш ҳолатлар тасвири етимлик дарди ва азобларнинг нечоглилук улкан мусибат эканлигини ёриттиб беришга хизмат килади.

Тадқиқот жараёнда ўрганилган навбатдаги асар бўлмиши “Мунгли кўзлар” юкорида таҳлил қилинган иккى асадардан тубдан фарқ килади. Дастрлабки иккى асадарда оддий қишлоқ оиласидан чиққан сода, гўл, аммо пок қалбли болалар тасвири қаламга олинганилганинг гувоҳи бўлдик. “Мунгли кўзлар”да эса катта шаҳарда, дангиллама уйда яшайдиган, тўкин ҳаётга ўрганганд, ҳеч қандай мұхтоҗлик кўрмаган, эрка ва арзанда болалар бош қаҳрамонлар сифатида танланган. Асар бошида болалар рухиятида кибр акс этиб бораётгани кўзга ташланади. Масалан, Зафарнинг аълочи болаларнинг аълочилиги-ю, ҳурмати баландлигини ёқтираслилиги, ота-онасининг пардаларни ёпиб олиб, пул санашганини кўрганида гурурдан маст бўлиши, башаш кийиниши борасидаги фикрлари орқали бу яккол намоён бўлган. Асар сўнгигида эса унинг ҳаётни каби, руҳий олами ҳам остин-устин бўлиб кетади. Бирин-кетин бошига тушган кўнгилсизликлар, дадасининг қамалиши, онасининг ва-фот этиши, акаси Акбарнинг ўзини ёқиб юбориши, укаси Зуфарнинг автоҳалокатда нобуд бўлиши, кичик синглиси Нигоранинг бедаъво дардга чалиниши ва ўзининг қамалиши каби воқеалар оқибатида Зафар бутунлай бошқа инсонга айланниб қолади. Етим бўлиб холасининг қўлида қолган болаларга поччасининг сиғиндилярдек муносабатда бўлиши, дўст деб ишонган одамларнинг хиёнати ва бошқа ҳаёт зарбалари унинг характеридаги исенкорлик ҳамда ҳақиқат учун курашувчанлик туйгуларини аланталатиб юборади. Ўсмир йигитнинг руҳи бундай оғир юкни, жамиятдаги адолатсизлик ва золимликни, изтироб ва зиддиятларни кўтаришига ожиз зди. Адид болани парваришлаб, гўзал ишлов берниш ҳам, уни таназзулга бошлаш ҳам ижтимоий мухитдан эканлигига ишора килади.

Профессор Абдуғафур Расулов эътириф этганидек, Х.Тўхтабоев маҳорати ижобий ва салбий кучларни уюштира олганлигига, улар аро курашининг тасвирилашида сезилади. Унинг де-

<sup>1</sup> Шу манба. 113-бет.

<sup>2</sup> Шу манба. 159-бет.

ярли барча қаҳрамонлари ёмонликка, зулмга, ноҳакликка қарши сидкидилдан курашади.<sup>1</sup>

**Холоса.** Юқорида келтирилган таҳлиллардан аёни бўладики, Худойберди Тўхтабоев етим бола образи, уларнинг кечинмалари, турли психологик ҳолатларини содда ва тушунарли тилда тасвирлабгина колмасдан, айни пайтда, бу туйгуларни ҳаққонийлик ва реаллик руҳи билан бойита олган. Адаб услубининг ўзига хос хусусияти шундаки, у қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини кўрсатишда муаллиф томонидан келтирилган узун тасвирлардан деярли фойдаланмайди, шуничаки қаҳрамон тилидан айтилган сўзларнинг маҳорат билан танлангани китобхонга ички кечинмаларни аник-равшан хис килишга ёрдам беради. Х.Тўхтабоевнинг ёзувчи сифатидаги энг катта ютути ва истеъоди сифатида, унинг матн остининг эмас, матнининг китобхон оламида жилоланадиган қиёфасини, руҳий ҳаётини, турини, тусини акс эттира олишини таъкидлаб ўтиш жониз. Гарчи муаллиф танлаган қаҳрамонларнинг ҳаёти ҳам, характерлари ҳам бир-биридан тубдан фарқ кўлса-да, уларнинг изтироблари ва ўй-ҳаёлларидаги ўҳашашлик кисматлари бир хил эканлиги яккот кўриниб туради.

**Нуриддинов Шаҳобиддин Бабаярович (Карши Давлат университети докторант)**  
**КОМИЛ ХОРАЗМИЙ “ДЕВОН”И МАНБАЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИГА ДОИР**  
**АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР**

**Аннотация.** Мақола ўзбек мумтоз шоирни Комил Хоразмий ижодий мероси манбалари таҳлилига багишланган. Унда шоир “Девон”ининг қўлэзма, тошбосма ва нашр нусхалари атрофлича таъзил қилинган.

**Аннотация.** Статья посвящена анализу источников творческого наследия узбекского классического поэта Камила Хорезми. В нем подробно проанализированы рукописные, литографические и печатные экземпляры “Диван”-а поэта.

**Annotation.** The article is dedicated to the interpretation of sources of the literary legacy of the Uzbek classic poet Komil Khorezmi. The author of the article interpreted the manuscript, lithoprinted and printed publications of the poet's "Divan".

**Калит сўллар:** девон, қўлэзма, тошбосма, матний тадқиқ, адабий манба, нашр, лирик жанр.

**Ключевые слова:** диван, рукопись, литография, текстовое исследование, литературный источник, издание, лирический жанр.

**Key words:** divan, manuscript, lithoprint, textual interpretation, literary source, publication, lyric genre.

Хоразм адабий мухитининг етук вакили Комил Хоразмий мероси серкирра экани маълум. У истеъодли шоир бўлиш билан бирга, моҳир хаттот ва зукко мусикашунос ҳам эди. Таржимон сифатида шарқ мумтоз адабиётининг сара намуналарини ўзбекчалаштирган.

Комил, асосан, мумтоз шеъриятнинг газал, мухаммас, мусаддас, рубойи, қасида, маснавий, муаммо каби лирик жанрларида ижод килиб, ўзидан бой адабий мерос қолдириди. Шеъриятнинг мусаббаба, баҳри тавил сингари камёб жанрларида ҳам қалам тебратди. Адабий анъанаға мувоғиқ ўз асарларини тўплаб, девон тузди. Бугунги кунга қадар шоир девонининг ўиласб кўлэзма ва тошбосма нусхалари етиб келган. Шунингдек, XIX асрнинг охири – XXаср бошида Хоразмда тартиб берилган кўплаб баёзларда ҳам назмий асарлари учрайди. Айрим шеърлари “Туркистон вилоятининг газети”да босилган. Девони шоир ҳаётлигига ёки нашр қилинган.

Дастлаб, 1880–81 йилларда Хивада тошбосма усулида босилган бўлса, орадан бир неча йил ўтиб, 1895 йили чоп этилган. Бу нашр олдинигига иисбатан тўликрок. Шоир девони учинчи марта 1909 йилда Тошкентда босилган. Таъкидлаш керакки, учала нашр ҳам Комил шеърларини тўла камраб олмайди. Тошбосма нашр билан боғлиқ бу каби камчиликларнинг юзага келишида бирламчи сабаб – хаттот ёки ношир томонидан девонининг мукаммал ҳамда оригиналга яқин нусхаларини аниқлаб олмаслиқдир. Қолаверса, бу нашрлар матнишунослик аспектидан эмас, балки адабиётшунослик нуқтаси назаридан ёндашув натижасида юзасига келган. Бу тўғрида рус матнишуноси Д.С.Лихачев: “Шу нарса аниқки, матнишунослик эришган натижалар аксар ҳолларда адабиётшуносларнинг кўлэзма манбаларни ўрганимасдан айтиган энг тўқис хулосаларини ҳам инкор этади, ўз навбатида, янги, кизикарли ва муфассал асосланган тарихий-адабий умумлашмаларга олиб келади”, деган ху-

<sup>1</sup> Тўхтабоев Х. Мунгли кўзлар. Тошкент, “Янги аср авлоди”, 2015, 9-бет.

<b>Норбоева Сарвиноз.</b> Талабалар маънавий компетентлигини ривожлантиришга доир тарбиявий тадбирларни лойихалаш ва режалаштириш.....	99
<b>Ахмедов Олимжон Турсунбосевич.</b> Махсус хизматлар учун мутахассис ходимларни тайёрлашга замон талаблари асосида ёндашув.....	102
<b>Atajanova Rabibina Raximovna.</b> Boshlang'ich sinf o'quvchilarining tasviri san'at fanidan kreativ fikrflashlarini shakllantirishda ish daftarning ahamiyati.....	105
<b>Шарипова Дилдира Джуманиязова, Рузметова Новвали Вахабджановна.</b> Роль социокультурной компетенции в профессиональной подготовке студентов.....	107
<b>Abdurahmanova Nilola.</b> Rus tili o'qituvchisining zamona navty ta lim muhitidagi o'rni.....	110
<b>Тангриберганова Гулора Адамовна.</b> Фактор непрерывности в истории обучения иностранным языкам.....	112
<b>Ташнулатова Сабоҳат Акбаровна, Джураева Ойша Хайитовна.</b> Роль зеленых биологических картинок в учебном процессе.....	115

#### ILMIY AXBOROT

<b>Маликов Бехзоджон Куролович.</b> Давлат хизматини ташкил этишининг жанубий корея ва сингапур тажрибаси.....	118
<b>Уралова Ойсулув.</b> "Оила" тушунчаси ва унинг халқ маколлаларидаги ифодаси.....	121
<b>Наврузов Санарбай, Сандова Санобар.</b> Педагог Суҳомлийскийнинг "Шодлик" мактаби.....	125
<b>Ibaydullayev Temur Gaybullayevich.</b> O'zbek libosi tarixining rivojlanish bosqichlari.....	127
<b>Ахатов Лутфилло Карраматиллоевич.</b> Жомий илмий мероси талкинида ёшлар тарбияси.....	131
<b>Якубов Фазлидин Мухитдинович.</b> Спорт кадриятлари – жисмоний тарбия ва спорт мутахассислари тафсулар тарзини ривожлантириш услуги сифатида.....	133
<b>Nafasov Doniyor Shernafasovich.</b> Talabalas turistik faoliyatining didaktik tamoyillari va tarbiyaviy-rivojlantruvchi vazifalar.....	136
<b>Анорбоева Ирода Ориновна, Эсонбоева Назира Муродбек кизи.</b> Француз ва ўзбек тилларида тақорији номинация –изчилии категорияси бирлиги сифатида.....	139
<b>Birrieva Umida Abdumuminova.</b> Diskurs analiz tarixi.....	142
<b>Исакова Гузалхон Несматовна.</b> Ёлғон тушунчасининг образли ифодаланишида канотли сўзларнинг ўрни.....	144
<b>Джафарова Дилядора Илхамовна, Курбонова Гулсара Содиковна.</b> Француз ва ўзбек тилларида мавжуд фразеологик бирдикларнинг тарзийи воекалар билан боғликлиги.....	147
<b>Xudoyberganov Ravshan Yusupovich, Sultonova Dildora Azamat qizi.</b> Oshiq Erkin ijodida noadabiy qatlarni.....	149
<b>Ochilova Nilufar O'limasovna.</b> O'zbek adabiyotida "Or" obrazzi yaratilgan asarlariga xos xususiyatlar.....	152
<b>Обложкова Мастира Мирзобовна.</b> Байроннинг "Stanzas for music" шеъри услубий хусусиятлари.....	154
<b>Сафарова Зилола Толлибовна.</b> Худойберди Тўхтабоев ижодида етим бола образи ички кечнималарининг таҳлили.....	157
<b>Нуриддинов Шаҳобиддин Бабаярович.</b> Комил Хоразмий "Девон"и манбаларинингкиёсий таҳлилига доир айrim мулоязалар.....	162
<b>Ergashova Muhammada, Mamatqulova Muazzam.</b> A.Orirovning metafora va antitezadan foydalanan mahorati...165	
<b>Кильчева Мехриносо Ражабовна.</b> Жаҳон адабиётидаги ёлғизлик мотиви талкини.....	168
<b>Masharipova Yıldız Otakhanovna.</b> Tarjima amaliyotiда leksik transformatsiyalarning ahamiyati.....	170
<b>Махмараимова Шоҳиста Тухташевна.</b> Метафора как когнитивная модель и эмоциональный феномен авторской картины мира.....	173
<b>Бобокалонов Пулатшоҳ Рамазонович.</b> Значения канонических слов-предложений в духе толерантности.....	177
<b>Тин Наталья Викторовна.</b> О методах описания скифо-европейских лексических изоглосс В.И.Абаевым.....	180
<b>Рузметов Суроҳбек Аллаберганович, Джумабаева Зебо Давронбековна.</b> Об англизмах в русском и узбекском языках.....	183
<b>Мирсағатова Дилором.</b> Этимология продуктивных существительных и способы их образования в английском языке.....	186
<b>Татьянина Анатольевна Бушуй.</b> Сфера туризма как одна из ведущих проблем взаимосвязи языка и национальной культуры.....	191
<b>Masharipova Leninza Axmedjanovna, Mavlonova Hurshida Hudayberganova, Radjapova Nafisa Muminjanova.</b> The Notion of Changeability and How the Meanings Can Be Substituted in a Language.....	195